Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 30 ИЮНЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (13.467)

Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кенг ва равон йўллар, замонавий кўприклар, аҳоли турар жойлари, янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилмоқда. Бу аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент тажриба экспериментал механика заводи негизида 2008 йилда ташкил этилган "Krantas" ҳамда "Кранлар ва махсус техника" корхоналарида 60 турдан зиёд махсус техника, жумладан, автокранлар, кран манипуляторлари, ёнилғи ва кислота ташувчи автоцистерналар, коммунал техника, самосваллар, автоустахоналар, автогидрокўтаргичлар ишлаб чиқарилмоқда. Импорт ўрнини босувчи, экспортбоп ушбу техника воситалари мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Krantas Group" заводига ташриф буюриб, қурилиш учун махсус техника ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда корхоналарда 645 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулот ҳажмини ошириш, янги ускуналар сотиб олиш ва ишлаб чиқариш цехларини барпо этиш ҳисобига яна 150 иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Корхоналарда 2017-2018 йилларда юк кўтариш қуввати 100 тонна бўлган автокранлар ва кўп қаватли уй-жойлар қурилишига мўлжалланган 8 тонналик кранлар ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилган. Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибордан самарали фойдаланиб, жорий йилда корхонанинг экспорт ҳажмини 5 миллион долларга етказиш, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон каби давлатларга маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз корхонада ишлаб чиқарилаётган махсус техника воситалари ва ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Бу каби корхоналар мамлакатимиз саноати ривожланишининг асосий омилларидан бири эканини таъкидлади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсус техника турларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, келгуси беш йилга мўлжалланган давлат дастурини қайта кўриб чиқиб, махсус техника импортини камайтириш, маҳаллийлаштирилган махсус техникалар харидини кўпайтириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Ихтисослашган олий таълим муассасаларида кран ва махсус техникалар ишлаб чиқариш бўйича йилига 20-25 мутахассис тайёрлайдиган факультетлар очиш ва ёшларни ўқитиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди.

Туман ҳудудида жойлашган илм ва таълим муассасалари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуши учун қулай шароитлар яратиш, мавзеларни ободонлаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувида илгари сурган ташаббусига мувофиқ ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи Мирзо Улуғбек инновацион марказини ташкил этиш, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган илмий-тадқиқотларни амалиётга жорий этиш бўйича комплекс дастурлар, тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Ушбу лойиҳалар туманнинг ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва одамларга қулай шароитлар яратишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Лойиҳа ташаббускорлари ва мутасаддилар билан суҳбатда уларни амалга оширишни жадаллаштириш, сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб, у ердаги шароитлар билан танишди.

Президентимиз жорий йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, профилактика инспекторлари турмуш шароитини яхшилаш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ички ишлар тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, тизим ходимларига янги вазифалар юклатилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 12 апрелдаги "Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Марказий Осиёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича энг йирик олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Академия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган.

Академиянинг тўртта замонавий ўқув биноси, тингловчилар учун иккита ётоқхона, меҳмонхона ва бошқа зарур иншоотлари бор. Тингловчилар билан ўқув машғулотлари ўтказиш учун 18 маъруза зали, 150 ўқув аудитурияси ва ўқув-методик кабинет, учта спорт зали ва сув ҳавзасини ичига олган спорт мажмуаси, теннис корти ва атлетик тайёргарлик билан шуғулланиш учун спорт майдончалари, икки галереяли ўқ отиш тири, криминалистик полигон, энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 20 компьютер синфи ва бошқа иншоотлар мавжуд.

Тингловчилар 500 мингдан ортиқ нусхадаги ўқув, илмий, ижтимоий-сиёсий, махсус ва бадиий адабиётлар, даврий нашрларни ўз ичига олган 4 кутубхона хизматидан фойдаланади.

Ҳақиқий вазиятга яқинлаштирилган шароитларда амалий машғулотлар ўтказиш учун академиянинг ҳарбий-дала ўқув маркази бор. Бу ерда 600 кишига мўлжалланган маъруза зали, ўқув синфлари ва бошқа иншоотлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари 2017-2021 йилларда ИИВ академиясини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди. Соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шахсий таркибнинг касб маҳорати, маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимини ошириш борасида тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси қошидаги 8-шаҳар ички ишлар бўлими фаолияти билан танишди.

Ички ишлар органлари тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш зарурлиги таъкидланди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ички ишларни халқимизга янада яқинлаштириш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, профилактика тадбирларини кучайтириш мақсадида пойтахтимиз туманлари ички ишлар бошқармалари қошида шаҳар ички ишлар бўлимлари ташкил этилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси қошидаги 8-шаҳар ички ишлар бўлимида вояга етмаганлар ва ёшлар бўйича инспектор, тезкор вакил, суриштирувчи, паспорт инспектори, профилактика инспектори фаолият кўрсатади. Ички ишлар бўлими соҳага оид энг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланган. Бу Алишер Навоий, Бобур, Шукур Бурҳонов номидаги, «Гулзор», «Янги ҳаёт», «Катта қорасув», «Шўртепа» маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ўз самарасини беради.

Президентимиз 8-шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан мулоқот қилди, замонавий технологиялар бўйича амалга оширилаётган иш жараёни билан танишди.

Ички ишлар идораларини халққа яқинлаштиришдан мақсад жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг асл сабабларини аниқлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлашдан иборат, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда «Автокон» – автомашиналарнинг давлат рақамларини автоматик аниқлаш ва қоидабузарликларни қайд этиш махсус аппаратининг тақдимоти ўтказилди. Йўл ҳаракати инспектори машинасига ўрнатиладиган ушбу махсус қурилма қоидабузарлик содир этиб, жарима тўламай юрган транспорт воситаларини бевосита ҳаракат жараёнида аниқлаш имконини беради.

Қурилмани янада такомиллаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Катта қорасув" маҳалласида ҳам бўлди.

Мамлакатимизда маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ваколати ва вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан мазкур тизим фаолиятида янги тараққиёт босқичи бошланди, тузилма тубдан ислоҳ қилиниб, замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

"Катта қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар бунга ёрқин мисолдир.

Маҳаллада турли миллат вакиллари яшайди. Капитал таъмирланган маҳалла маркази одамларни ўзаро яқинлаштиришга, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Фуқаролар йиғинида маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хизмат хоналари бўлиб, улар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Турли китоблар, минглаб электрон адабиётлар базасига эга кутубхона аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг ёйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалла оқсоқоллари билан ёшлар тарбияси, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

Маҳалла марказларида чойхона, новвойхона, "Гўзаллик салони", дўконлар, спорт ва болалар майдончалари бўлиши одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз маҳалла ҳаёти билан танишди. Маҳалла қошидаги «Кристалл» болалар рақс тўгараги иштирокчилари турли рақслар ижро этди.

Ёш истеъдодларга мусиқа асбоблари совға қилинди.

Уюшмаган ёшлар билан ишлашда аниқ тизимни йўлга қўйиш, уларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асрашда маҳалла етакчи ўрин тутиши таъкидланди.

Аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаганлар билан самарали ишлаш учун зарур шароитлар яратиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Мирзо Улуғбек тумани фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакилларининг йиғилиши бўлди. Унда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси, туманни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Туркманистон Президентини 60 йиллик юбилейи муносабати билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистонда Туркманистон Президентини жаҳон миқёсидаги буюк давлат ва сиёсат арбоби, катта ҳаётий тажрибага эга, умрини ўз мамлакати фаровонлиги ва равнақига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган фидойи раҳбар сифатида яхши билиши таъкидланди.

Бугун Туркманистонда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, инфратузилмани жадал ривожлантириш ва аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган кўплаб йирик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланиб бормоқда.

Замонавий Туркманистон эришаётган барча ютуқлар бевосита Президент Гурбангули Бердимуҳамедовнинг номи, пухта ўйланган сиёсати, қатъий саъй-ҳаракатлари ва фидокорона меҳнати билан боғлиқ.

Давлат раҳбарлари шу йилнинг март ва май ойларида Туркманистонда ўтган олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар. Барча даражадаги алоқалар фаоллашиб, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳалар самарали амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Президентлар стратегик шерикликнинг юксак даражасига эришиш имконини берган яқин ва самарали ўзаро ҳамкорлик бўйича тўпланган тажриба икки томонлама алоқаларнинг мавжуд улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг ўзларини қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовни юбилейи билан яна бир бор самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, давлат раҳбаридек масъулиятли фаолиятида янги-янги муваффақиятлар, қардош Туркманистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Суҳбат анъанавий самимият ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда минтақада ишлаб чиқариш, мавжуд техника ва технологиялардан фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, муҳандислик таълимини ривожлантиришда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарорига мувофиқ Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали (кейинги ўринларда Тошкент давлат техника университети Термиз филиали деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

транспорт тизимлари ва йўллари ҳамда уларнинг эксплуатацияси, кимёвий технология, бино ва иншоотлар қурилиши ва материаллари, озиқ-овқат технологияси, технологик машина ва жиҳозлар, енгил саноат технологияси, экология ва саноат хавфсизлиги соҳаларида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий технологияларни синаб кўриш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли муҳандислик-техник ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича илмий-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб этиш мақсадида техника соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

3. Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига ҳар йилги талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техник ва илмий-педагогик базасини таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябргача:

Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Тошкент давлат техника университети Термиз филиалида ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 288 "а"-уйда жойлашган Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг бинолари ва иншоотларини худудлари билан Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгилаб қўйилсинки, Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейи Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг биноларида ижара тўловисиз жойлашади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2019 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент давлат техника университети Термиз филиали объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиалини сақлаш харажатлари 2017 йилда "Маориф" соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

9. Қуйидагилар Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат ва 1 та махсус енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 майдаги "Тошкент давлат техника университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2524-сон қарорининг 1-иловаси матни 3-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 29 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Республикамизда кадрларни тайёрлаш, уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифаларни ўз муддатида тўлиқ ҳажмда ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Сурхондарё воҳасида ишлаб чиқариш, мавжуд техника ва технологиялардан фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, муҳандислик таълими ривожининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, талаб қилинган хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди.

Бугунги кунга қадар Сурхондарё вилоятида ягона Термиз давлат университети фаолият олиб борган бўлиб, ҳар йили абитуриентлардан энг кўп ҳужжат топшириш ушбу олий таълим муассасасига тўғри келар эди. Бу йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятида Термиз давлат университети билан биргаликда яна иккита олий таълим муассасасининг филиали талабаларни қабул қилади. Улардан бири Тошкент давлат техника университети Термиз филиалидир.

Қабул қилинган қарорга кўра, қуйидагилар Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг энг муҳим вазифалари этиб белгиланган:

транспорт тизимлари ва йўллари ҳамда уларнинг эксплуатацияси, кимёвий технология, бино ва иншоотлар қурилиши ва материаллари, озиқ-овқат технологияси, технологик машина ва жиҳозлар, енгил саноат технологияси, экология ва саноат хавфсизлиги соҳаларида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий технологияларни синаб кўриш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли муҳандислик-техник ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича илмий-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб этиш мақсадида техника соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига ҳар йилги талабаларни қабул қилиш йўналишлари ва қабул квотаси воҳанинг олий маълумотли муҳандис-техник кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қарор билан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техник ва илмий-педагогик базасини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Шунингдек, мазкур Дастурга мувофиқ 2017 йил 1 сентябргача Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чоралари белгиланди.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифларига кўра Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 288 "а"-уйда жойлашган Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг бинолари ва иншоотлари ҳудудлари билан Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига фойдаланишга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудларининг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим амалий қадам бўлиб ҳисобланади.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТАРҒИБОТИГА ОИД СЕМИНАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва Олмазор тумани кенгаши ҳамкорлигида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимларига тушунтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Н.Йўлдошева ва бошқалар Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий соҳани ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасалари қулайлигини таъминлаш, таълим сифатини яхшилашда муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишнинг тўртинчи йўналиши ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини ҳам электр энергия, газ билан таъминлашни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифат жиҳатдан янада яхшилаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

– Юртимизда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, жамиятимизда ҳар томонлама соғлом оилаларни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Олмазор тумани 3-туғруқ комплекси бош шифокори ўринбосари Дилафруз Саг-диева. – Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари билан ҳар учрашувида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг муҳокама қилинмоқда, зарур топшириқлар берилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси тиббиёт соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларининг касб малакаси ва масъулиятини янада оширишда ҳам муҳим дастуруламал бўлаётир. Бугунги семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини янада теранроқ тушуниб олдик.

Семинарда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқаётгани, "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани қайд этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Форумда Ўзбекистон Республикаси Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Марказий банк, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси масъуллари, иқтисодиёт реал сектори ва хорижий молиявий институтлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, изланувчилар иштирок этди.

Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчи А.Бекмуродов, Ўзбекистон лизинг берувчилар ассоциацияси бош директори З.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, ҳаётнинг барча соҳаларини янада либераллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда инвестициялар ҳажмини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда.

Форум иштирокчилари пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, банклар капиталлашувини ошириш ва депозит базасини кенгайтириш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратди.

Форум доирасида "Ўзбекистон акциядорлик банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатимиз тижорат банклари инвестициявий жозибадорлигига корпоратив бошқарувнинг таъсири, миноритар акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув усул ва услублари тўғрисида сўз юритилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти Кармана туманида Жанубий Кореянинг Инҳа университети госпитали шифокорлари аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Тиббий кўрикда 770 дан ортиқ аҳоли саломатлиги текширувдан ўтказилиб, беморларга аниқланган касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга қарши курашиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

● Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида ўтказилган кўрик-танлов "XXI аср аёли" деб номланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, вилоят "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА


● Сибирдаги ўрмон ёнғинлари тобора авжига чиқмоқда ва ҳозирда 70 минг гектардан ортиқ ҳудудни қамраб олган. Бу борадаги аҳвол айниқса Иркутск ва Бурятияда оғир бўлиб, кучли ёнғинни жиловлаш учун 4,5 мингдан ортиқ соҳа ходимлари ва кўнгиллилар жалб этилган. Жазирама иссиқ ва шамол эсиб туриши ёнғиннинг янги ҳудудларга ўтишига омил бўлмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ўрмон ёнғинларининг аҳоли яшаш пунктларини қамраб олиш хавфи йўқ.

● АҚШнинг Йель университети археологлари Брюсселдаги Қироллик музейи ходимлари билан бирга тошга ўйиб ёзилган энг қадимий Миср иероглифларини аниқлашди. Мисрнинг қадимий Ал-Каб манзилгоҳидан топилган эпиграфиканинг ёши беш минг йил, деб тахмин қилинмоқда. Янги топилган иероглифлар катта ҳажмдалиги билан эътиборни тортади. Улардан айримларининг баландлиги ярим метрга тенг. Шунингдек, қадимшунослар кўплаб тасвирлар ичидан филларнинг расмларини ҳам топишга муваффақ бўлишган.

● БМТ Олий комиссариатининг 2016 йил якунлари бўйича ҳисоботига кўра, дунё бўйича 65 миллион одам ватанида уруш ва сиёсий зиддиятлар сабаб муҳожирга айланган. Энг катта муҳожирлик оқимини сурияликлар ташкил қилган. Ҳисобот йилида уларнинг сони 5,5 миллиондан ошган. Бундан ташқари, дунё бўйича 10 миллион одам фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланади.

Ёшлар ижод саройида Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги ва Ҳарбий прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси томонидан Тошкент гарнизони ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ҲАРБИЙЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ИШГА ЖОЙЛАШМОҚДА



Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 майдаги "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳоли бандлигини таъминлаш борасида янгича ёндашувларни амалиётга жорий этишда дастуруламал бўлаётир.

Фармонда белгиланганидек, жойларда ихтисослаштирилган иш ўрни ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли ва иш берувчилар учун меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳаммабоплигини ошириш йўли билан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу борада ҳудудларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ярмаркада пойтахтимизнинг 11 туманидаги 200 дан ортиқ корхона, ташкилот ва таълим муассасалари 3 мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Фуқароларга бўш иш ўринлари ва меҳнат қонунчилигидаги имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Тижорат банклари ходимлари томонидан коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит ажратиш шартлари бўйича тавсиялар берилди.

Шайхонтоҳур тумани бандликка кўмаклашиш маркази маълумотига кўра тумандаги корхона ва ташкилотларда 1 минг 600 дан ортиқ бўш иш ўрни мавжуд. Иш сўраб мурожаат қилаётган фуқаролар мутахассислиги бўйича корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, йўлланма берилмоқда. Оила бекалари шаҳар тиббиёт муассасалари, таълим даргоҳларидаги мавжуд бўш иш ўринларига қизиқиш билдираётгани қайд этилди.

– Мазкур ярмаркага ишга жойлашиш мақсадида келдим, – дейди ЎзА мухбирига Буванбар Суярова. – Ярмаркада таклиф этилаётган иш ўринлари, меҳнат шароити билан яқиндан танишдим. Мутахассислигим математика фани ўқитувчиси. Мутахассислигим бўйича Миробод туманидаги 147-умумтаълим мактабига йўлланма олдим.

Н.НАСРИЕВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, қуйи палатанинг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси юзасидан ахборотлари эшитилди ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада қулай ва муносиб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш режалаштирилган.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудудлардаги шаҳар, қишлоқларда ичимлик суви ва оқова сув тизимини такомиллаштириш борасида халқаро молия институтларининг инвестициялари жалб қилинмоқда. Мазкур инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимиз ҳудудларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда канализация тизимларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 12 минг 262 аҳоли пунктининг 9 минг 60 тасида марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти тизимлари мавжуд. Шу билан биргаликда, марказлашган ичимлик суви таъминоти мавжуд бўлмаган, олис ва тоғли ҳудудлардаги 406 мингдан ортиқ хонадонга махсус техникалар ёрдамида тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, жорий йилда 171,8 километр ичимлик суви ва оқова тармоқлари, 8 сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Республика бюджети ва халқаро молия институтлари маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга эришиш ҳамда мазкур камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

(ЎзА)

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Пойтахтимизда "Agros Hayot" суғурта компаниясининг тақдимоти ва "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан "Суғурта журналистлар нигоҳида" танловининг тақдирлаш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунда юртимизда суғурта соҳасини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий суғурта бозоридаги катта ютуқларда суғурта бозорида етакчи мавқе ва юқори тажрибага эга бўлган "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики "Ўзагросуғурта" АЖ мамлакатимиз суғурта бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган илғор суғурта ташкилоти сифатида республикамизнинг кенг қамровли аҳолисига 120 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш ҳамда республикамизнинг туман ва марказдан олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида жамғариб бориладиган суғурта турлари ҳамда узоқ йиллик ҳаёт суғуртасини кенг тарғиб қилиш мақсадида жамият таркибида "Agros Hayot" суғурта компанияси масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Мазкур компания юридик ва жисмоний шахсларга ҳаёт суғуртаси, тиббий суғурта ҳамда умумий суғурта бўйича суғурта хизматларини кўрсатади. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ҳаётини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш йўналишларида фаолият олиб боради.

Тадбир давомида "Agros Hayot" суғурта компанияси бош директори ўринбосари Жаҳонгир Йўлдошев томонидан мазкур суғурта компанияси ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди. Компания фаолият олиб бораётган шу қисқа вақт ичида республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида филиаллар ташкил этиб, ўз бўлинмаларини малакали раҳбар ва ходимлар билан тўлдиришга муваффақ бўлди. Компаниянинг тажрибали мутахассис ва иқтидорли ёшлардан иборат бўлган жамоаси халқимизнинг барқарор ва хотиржам келажагини таъминлаш ҳамда тўлақонли суғурта ҳимоясини ташкил этиш ишларига ўз ҳиссасини қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тадбир доирасида миллий суғурта бозорида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг оммага етказиш, тарғибот мақолалари орқали аҳолининг суғурта маданиятини юксалтириш, тизимда олиб борилаётган намунали ишларни республика матбуоти ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ва атрофлича ёритилиши учун журналистларни кенг жалб қилиш, уларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан ўтказилаётган "Суғурта журналистлар нигоҳида" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

